

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8 ФЕВРАЛЬ 1971 й  
ДУШАНБА  
№ 32 (1407)  
БАҲОСИ 2 ТИЯНН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXIV  
СЪЕЗДИНИ  
МУНОСИБ КУТИБ  
ОЛАМИЗ!

## Квартал плани- муддатидан илгари

### МУСОБАҚА ИЛГОРЛАРИ

1970 йил IV кварталда Бутунитти-  
фок социалистик мусобақасининг  
ғолиби бўлган Тошкентдаги «Қизил  
тонг» тикувчилик фирмасига  
СССР енгил санат министрлиги ҳам-  
да тўқимачилик ва енгил санат иш-  
чилари касба соҳалари Марказий  
Комитетининг кучма Қизил байроғи  
берилган бўлди.

«Юлдуз» тикувчилик фирмаси эса,  
республикамиздаги корхоналар ўрта-  
сида ана шу даврда олиб борилган  
социалистик мусобақада ғолиб чи-  
қди. Коллектив Ўзбекистон ССР Ми-  
нистрлар Совети ва Ўзбекистон кас-  
ба соҳалари республика Советининг  
кучма Қизил байроғини олишга му-  
ваффақ бўлди.

Ўзбекистон ССР енгил санат ми-  
нистрлиги ҳамда тўқимачилик ва енгил  
санат ишчилари касба соҳалари  
чинни заводига берилди.

Республика корхоналари ўртасида  
олиб борилган социалистик мусоба-  
қада Тошкентдаги экспериментал  
фурнитур-механика заводи ҳамда  
«Учкун» тўқимачилик-галантерея фир-  
масининг меҳнатчилари юқинчи ўрин-  
ни олдилар.

Республика Енгил санат министр-  
лигининг коллежисда шунингдек,  
пойтахтдаги 2 ва 3-тикус фабрикале-  
рининг ишлари таъюқлаб ўтилди.

### ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Шаҳримиздаги ин-  
женерлик қурилиш  
трестининг тузилгани-  
га унча кўп бўлган  
йўқ. Аммо қисқа  
вақтда трест коллекти-  
ви қанчадан-қанча ер-  
ости инженерлик иш-  
шоотларини қўрди.  
Йўл ва йўлчалар ўтқа-  
казди, водопровод ва  
газ қувурларига йўл  
оқди. Ой сайни, квар-  
тал сайни топириқни  
муддатидан олдин ба-  
жариш бу коллектив-

нинг одати бўлиб қол-  
ди. Утган йилни яхши  
тамомлаган трест кол-  
лективи партия XXIV  
съезди шарафига оши-  
риятди.

Трест коллективи  
барча участка ва бош-  
қармаларда йўл маж-  
буриятни бажариш  
ҳамда съездин ёруғ  
оқди. Ой сайни, квар-  
тал сайни топириқни  
муддатидан олдин ба-  
жариш бу коллектив-

## БИР ҲАФТА ОЛДИН

«Маҳсулот ишлаб чиқа-  
риш ва реализация қилиш  
бўйича 1971 йил биринчи  
квартал планини муддатидан  
бир ҳафта илгари — 24 март-  
да бажарамиз. «Миконд» за-  
води ишчи-хизматчиларининг  
партиямиз XXIV съездини му-

носиб кутиб олиш учун қабул  
қилган оширилган мажбурия-  
тида шундай дейилган.

Шу давр мобайнида завод-  
да республикамиздаги паррон-  
дичлик фермалари учун янги  
дочник қурилиш қондиционер-  
лар, ўндан ортиқ номда бил-

Завод коллективи съездол-  
ди меҳнат ваҳтасини давом  
этириб, тежамкорлик борси-  
да бир қанча ютуқларга эри-  
шишни белгилаб олди. Ташки-  
лий-техникавий тадбирларни  
жорий этиш билан 30 минг ки-  
ловатт-соат электр энергия,  
ўн тонна шартли ёқилғи, қўл-  
лаб хом ашё тежалди. Бу-  
ларнинг умумий йингидиси 80  
минг сўмга етади.

## «МЕН ЮЗ ЙИЛ ЯШАЙМАН»

«Биринчи сарҳат», «Хаяжон-  
ланган юрак», «Мен юз  
йил яшайман», «Орак  
операцияси» к а б и  
фильмлар намойиш қи-  
линади.

«Жаҳон юрак ҳафта-  
лиги» жаҳон соғлиқни  
сақлаш ташкилотининг  
қарорига мувофиқ ўтқа-  
зилмоқда.

Касалланишга қарши  
санитария-оқартуш иш-  
ларини олиб бориш учун  
шаҳар медицина ходим-  
лари жалб қилинди. Шун-  
ингдек, 12 медицина  
илимий-тектириш инсти-  
тутти ходимлари ҳам бу  
соҳада иш олиб бор-  
моқдалар.

## ГАЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА

Кун-кеча Қўқон — Наманган  
улкан газопровод магистрალი  
қурилиш ишюасига етди.  
Унинг узунлиги 114 километр-  
дир. Эндилки ана шу район-  
лардаги хонадонларда «зангори  
олов» порлаб туради.

хўжалиги учун 8,5 миллиард  
куб табиий газ сарфланди.  
Навбатдаги беш йилликда  
эса табиий газдан фойдаланиш  
бир йилда 20—22 миллиард  
кубга етади.



Тошкент. «Марказ—5» массиви нинг қурилишларидан бири.  
М. Тўйчиев фотолари.

## ҚАҲРАМОНЛАРНИ ХОТИРЛАБ

Билимлар уинда «Марҳумлар хо-  
тирасини улуғлайлик» деган тема-  
да шахар ёш антифашистерининг  
слёти бошланди. Унда мактаблар,  
Ленин номидagi республика пио-  
нерлар саройи, район пионерлар  
саройи интернационал дўстлик  
клубларининг аъзолари қатнаш-  
моқдалар.

Москвадаги пионер ва ўқувчи-  
лар саройи интернационал дўстлик  
клуби ёшларининг таклифи билан  
1962 йил 8 февралда ҳалок бўлган  
ёш француз қаҳрамони Даниль  
Гери, эронлик ёш қаҳрамон Фа-  
дил Жамол шарафига шу кунни  
мемалякатимизда ёш антифашист-  
лар хотираси кун деб эълон қи-  
лингн эди. Бугун Совет Иттифоқи-  
нинг ҳамма болалари шу санани  
нишонламоқдалар.

## \*Аҳолига қулайлик

### Сизнинг

### Хизматингизда

Уйғур кўчасининг  
натта ҳовуз бекатиди-  
ги озиқ-овқат магазини  
ачча пугурдан кетган  
эди. Аҳоли талаби эъ-  
тиборга олиннб, кун-  
кеча янги озиқ-овқат  
магазини биносини фой-  
даланишга топширилди.

Кенг ва ёруғ залда  
озиқ-овқат молларни  
тартиб билан териб  
қўйилган. Магазинда  
бир неча бўлим мав-  
жуд. Аҳоли қурувчи-  
ларининг меҳнатидан  
мантун.

### Биринчи

### қалдирғоч

Олой бозор шаҳри-  
миздаги энг йирик бо-  
зорлардан бири бўлиб,  
унга олис-яқин район-  
лардан деҳқонлар ке-  
лишди. Шунингдек  
харидорлари ҳам ан-  
чагина. Яқинда бу ер-  
га Эркин поселанси-  
дан «Лиаз-667» мар-  
кали янги, улкан авто-  
бус қатнай бошланди.  
Қалдирғоч автобусга  
90 одам сиғиши. Шу  
йилнинг охиригача  
бундай автобуслардан  
яна ўттиз олтигаси  
ишаривиз қўлақарида  
қатнай бошлайди.

## \*Район Совети сессиясидан

### КЕНЖА РАЙОН ИСТИҚБОЛИ

Яқинда экскаватор-ре-  
монти заводининг клуби-  
да меҳнатқиллар депутат-  
лари С. Рахимов район  
Советининг биринчи ча-  
қирив II сессияси бўлиб  
бўлиб ўтди.

Сессияда 1971 йилда  
район хўжалигини ри-  
вожлантириш плани ва  
маҳаллий бюджетнинг  
лоқихаси тўғрисида  
иқтисод комитет раиси  
Г. Рафиқов доклад қил-  
ди.

— Юбилей йилида  
район санат корхонале-  
ри маҳсулот ишлаб чи-  
қариш ва реализация  
қилиш планини 104,4  
процент қилиб бажарди.  
Йиллик планга қў-  
шимча тўрт миллион 435  
минг сўмлик маҳсулот  
еткизиб берилди.

Районнинг бундан бун-  
ги истиқболи янада  
порлоқ. 1971 йилда ка-  
питал қурилиш учун  
26 миллион сўмга яқин  
маблағ сарфланади. Шу-  
нингдек, уй-жой, мада-  
ний ва маъмурий муас-  
сасалар қурилиши да-  
вом эттирилади.

Сессияда район Совети  
молия-бюджет дои-  
мий комиссиясининг  
раиси Х. Тўрақў-  
жаев кўшма доклад  
қилди. Депу-  
татлардан А. Иброҳи-  
мов, М. Хўшимов, С. Ва-  
лиев ва бошқа ўртоқлар  
тўқимачилик беш йиллик  
инг биринчи йилида  
район хўжалигини ри-  
вожлантириш юзасидан  
қилинадиган ишлар ва  
режалар ҳақида гапир-  
дилар.

Район Советининг депу-  
татлари 1971 йил ва  
биринчи квартал ишлаб  
чиқариш планларини  
муддатидан илгари ба-  
жариш ҳамда планга  
қўшимча қўлаб халқ  
хўжалиги ва кенг истеъм-  
ол буюмлари ишлаб  
чиқариш юзасидан со-  
циалистик мажбурият  
қабул қилдилар.

## Дўстлик рамзи


Пойтахтимиз бинокорларининг  
гайрати ва матонати билан қардош Доғистон Автоном  
Республикасининг пойтахти — Махачқалада  
«Ўзбекистон» маҳалласи бунёд этилмоқда.  
Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия коми-  
тети капитал қурилиш бошқармасининг коор-  
динациялаб бўлими бошлиғи С. Азимхўжаев  
қардош ўлкада меҳнат қилаётган ҳамшаҳар  
қурувчиларимиз хузурида бўлди. У сафар та-  
ассуротлари ҳақида қўйидагиларин гапириб  
берди.

боғчаси, 6 минг киши-  
га хизмат қўрсатади-  
ган жамоат маркази  
бинолари ҳам қурила  
бошланди.

— Қардошлик қуд-  
рати шундай кучки, у  
ҳар қандай табиий  
офатларни енгади. Бу  
сўзни албатта, Доғис-  
тондаги сафарларим  
таассуроти айтилган.  
Маҳалладаги катта қу-  
рилиш ишлари чиндан  
халқлар дўстлигининг  
ақойиб рамзига ай-  
ланиб кетган. У ерда  
мамлакатимизнинг тур-  
ли томонларидан кел-

ган забардаст бунёд-  
корларнинг меҳнатини  
қўриб завқланасан,  
киши.

«Марказ—4» массивида ташкил этилган прокат пунктидан рўзгор  
учун зарур бўлган турли-туман буюмларни ижарага олиш мумкин.  
СУРАТДА: пункт мудири А. Мирношиқ харидор хизматига.



## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### САМАРҚАНД ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳар меҳнатқилларининг хўжалик ва маданий қурилишда,  
санат ишлаб чиқаришини ривожлантиришининг беш йиллик план та-  
шпирқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун Са-  
марқанд шаҳри Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси  
Н. ПОДГОРНИЙ,  
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1971 йил 5 февраль.

## \*Давр нафаси

### МАДАНИЯТ РАВНАҚИ

«Матлаумки, Тош-  
кент жамоат қўйғид  
ошиш жойларига бой  
эмас. Клубда бир  
неча оилавий кеча  
ва маскаралар —  
Тошкентда қилки-  
пайтда буладиган  
бўтудан томоша ана  
шундан иборат».

«Турестанские ве-  
достоки» газетаси,  
4 декабрь, 1976 йил».

## У ХАБАР СОҲИБИ

Бир ер бўлди. Ушандан  
бундан сураддан қанча-қан-  
ча сурадан оқиб ўтди,  
асосий кишини саводсиз  
бўлган халқ ўйлаб омай  
ўқув юрларига, юзлаб  
маданият — даргоҳларига  
эга бўлди. Қоляқ, чека  
ўлка ҳисобланган Ўзбе-  
кистон маданияти, санъ-  
ати ва халқ хўжалиги  
юксак даражада ривож-  
ланган ўлкага айланди.  
Буларнинг ҳаммаси Улуғ  
Октябрнинг иқлиоби икки  
томонлама зулм зан-  
жирларини парчалаб  
ташлаганили туйғайли  
юз берди.

«Хозир Тошкентда беш-  
та катталар театри, ик-  
кита ёш томошабинлар  
театри ва энг жамжи  
санъат муҳлислари учун  
қўғирчоқ театри ишлаб  
турибди. Унлаб замона-  
вий кинотеатрлар, мада-  
ний саройлари ва ўлка-  
ри аҳоли кизматига. Ут-  
ган йилги ишга тушган  
«Обилей» муз спорти  
саройи улкан воқеа бўл-  
ди. Ундаги спорт мусо-  
бақалари ва бошқа то-  
мошаларини бир йўла-  
етти ярим минг киши  
қўриши мумкин. Қисқа  
вақт ичида бу ерда бир-  
катор қизқинчи мусо-  
бақалар ўтказилди ва  
муз спорти шаҳримизда  
ўзининг қўлаб муҳлис-  
ларига эга бўлди.

Тоғ-чанги спорти ҳам-  
кент айилмоқда. Ким  
булди дегунча юзлаб  
тоғ сайри ишқибозлари  
Чимёнга жўнайдилар.  
У ерда туристик база-  
лар, ошхона, ётоқхона,  
хуллас, чанги спорти  
мусобақаларида қатна-  
шиш ёки мириқиб хор-  
дик чиқариш учун зару-  
рий шарт-шароит мав-  
жуд.

## Бир клуб янгиликлари

### СЕВИМЛИ ДАРГОҲ

Тошкентдаги «Коммуналь-  
ник» клуби санъат муҳлисари-  
нинг сеvimли даргоҳларидан би-  
ри. Бу ердаги ўнга яқин тўға-  
ракда юзлаб кишилар қатнаша-  
ди. Улар ўзлари қизқинчи соҳа-  
ларининг сирларини дастлаб  
шу ерда ўрганадилар.

Клубнинг бадий хаваскорла-  
ри замонавий қўшиқ ва куйлар  
билан қўйчиликка танилган. Ай-  
ниқса, кичикнотой томошабинлар  
уларни яхши танишади. Чунки  
биргина янги йил куйларига 18  
минг бола кўлаб хаваскорлари-  
нинг саҳналаштирилган ўйинла-  
рини томоша қилди.

Хозир клуб хаваскорлари  
КПСС XXIV ва Ўзбекистон Ком-  
партиясининг XVIII съездилари  
шарафига янги программа тай-  
ёрлаштилар. Унда партия, Ва-  
тан, дўстлик ҳақидаги қўшиқлар  
ва замонавий куйлар бор.

## ТАРАДДУД

Ҳа, бунга ажабланманг. Клуб-  
да 3 та алоҳида клуб бор. Бу-  
лар «Еш денгичилар», фото ва  
асарларчилик клубларидир. Бу  
клубларда ҳафтанинг белгилан-  
ган кунларида машғулотлар ўт-  
казилиб, уларнинг аъзолари лек-  
циялар тинглайдилар, мутахас-  
сислар билан учрашадилар, ўз-  
ларо фикр алмашадилар. Клуб-  
ларнинг ҳозирги пайтда 500 га  
яқин аъзоси бор.

## ПЕДАГОГЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда клубда район турар-  
жой бошқармалари хузуридаги  
болалар билан иш олиб борувчи  
педагог-ташкilotчилар ва ма-

даний тадбир ташкilotчилари-  
нинг семинари иш бошланди. Се-  
минар машғулотлари бир йилга  
мўлжалланган бўлиб, унда бо-  
лалар ва ўсимлар билан улар  
яшаётган жойда қандай ишлар  
олиб бориш, бу ишларни яхши-  
лаш тадбирлари ҳақида лекция-  
лар тингланади.

## Совет мутахассислари ёрдамида

Кубанин Орьенте  
виллоятида юқорин  
вольти электр линияси  
қурилиши соҳасида-  
ги ишлар муваффақия-  
тли давом эттириля-  
моқда. Бу линия яқин-  
да Санъго-де-Куба  
ва Сан-Луис шаҳарла-  
ри ўртасида ўрнатил-  
ди. Монтажчилар тез  
орада Ойёгна шаҳри-  
гача, сўнгра эса Нуэ-  
вигас шаҳригача электр  
симлари тортади-  
лар.



СССР. Пльезнь шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик  
коьбинати буг турбиналари ҳам ишлаб чиқаради. Бу ерда 50 мингдан 200  
минг киловатт қувватгача бўлган агрегатлар яратилади. «Шкода» мар-  
кали электр ускуналарини ҳозир Болгария, Руминия, Венгрия электр-  
станцияларида учратиш мумкин.

СУРАТДА: заводнинг илгунва цехида.  
В. Соболев-фотоси, (ТАСС-фототехникаси).



# ТАДБИРКОРЛИК ВИЛАЯ

**ЎЗ БУРЧАРИНИ** яхши тушушган комбинатимиз меҳнаткашлари доҳий В. И. Ленин таваллудининг юз йиллик юбилей йилни яхши кўрсаткичлар билан нишонлашди.

Беш йиллик планга қўшмача 3400 тонна оқ қоғоз, 660 тонна картон, ярим миллиондан кўпроқ кўнрақлар, дафтари, бир неча ўн минг сўмлик каникулларга товарлар реализация қилинди. Меҳнат унвдорлиги 1965 йилдаги нисбатан 42 процент ошди. Планда кўзда тутилган даража 700 минг сўмдан кўпроқ фойда кўрилди. Катта ташкилий-техникавий ишлар амалга оширилди. Йилга қўшмача 18 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган машина жозаланиб, ишга тушди.

Шу кунларда комбинатимиз коллективни КПСС XXIV съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XVIII съезди шарафига зарбдор меҳнат ваҳдатда туриб ишлашди. Ҳар бир катта ишнинг башлари маҳкам боғланган буювчиси ишчиликнинг, инженир-техники ходимларимиз ва ташкилотимизнинг пойтахтимиздаги пешкадам корхоналар коллективларининг съезди шарафига бошлаб юборган социалистик мусобақасига бажондир қўшилдилар.

Ўтган беш йиллик мобайнида эришилган зафарларни мустақамлаб бораётган коллективимиз партияимиз съездини муносиб меҳнат аршунголлари билан кўнрақ олиш ширкида ўз имолатларига юксак маъмурият қабул қилишди.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йиллигининг 29 декабрда бағришми. Белгиядан 150 тонна ортиқ қоғоз, 130 тонна картон ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун ғайрат кўрсатилди. Биринчи кварталнинг 29 мартда 72 асосий ошди, қўшмача ҳунар ўргандилар.

Партия съезди очилган кунгача комбинат ҳолини ҳамда турар жойлар атрофидан минг квадрат метр айдонга асфальт ётқизилди. 5000 дон қўнрақ ўтказилди. Тўзлар кенгайтирилди. Зиммага олган социалистик мажбуриятимизда бир қанча ташкилий-техникавий чораларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилди. Улар, албатта бағрилади.

Ҳар бир ватанпарварнинг ташаббуси яшини тегилда ҳамма орға олади, меҳнат аҳлининг қўлидан чуқур жой олади. Москвадаги Ленин комсомол номи автомобиль заводи коллективининг 17 апрелда Коммунист шанбалик ўтказиб,

шу кунги қилинган меҳнат аҳлининг олинган вақти ҳамда беш йиллик фондига бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусларини комбинатимиз меҳнат аҳли шу ҳурралик билан кўнрақ олишди.

17 апрел кун комбинатнинг ҳар бир асоси оdatидаги меҳнат қилишди. Шу кунги қилинган меҳнат ҳақи батамом беш йиллик фондига ўтказилди.

Комбинатимиз корхоналари, ҳар ва участкаларда жалон туриб ишлаётганларга коммунистларимиз намуна бўлишти. Ленин ордени кавалери, беш машинист В. Барбашева, ишчи Р. Валкулина, қоғоз машинисти К. Хусанов, слесарь Ю. Бугров, Г. Орлов, К. Назаржонбаев, шашмастер З. Яхунко сингари илгор коммунистлар ишлаб чиқаришда ҳам жамоат ишларида ҳам ақти широк эштишти.

Коллективимиз январий ойи топирилган мунвафакат билан, анча ошди адо этди. Бу эса зиммага олган мажбуриятимиз ҳамда ҳар бир ватанпарварнинг ташаббуси яшини тегилда ҳамма орға олади, меҳнат аҳлининг қўлидан чуқур жой олади. Москвадаги Ленин комсомол номи автомобиль заводи коллективининг 17 апрелда Коммунист шанбалик ўтказиб,

М. НИЕЗОВ,  
Қоғоз комбинати партия бюросининг секретари.

## ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Социализм мамлакатларида

#### Шахтёрларнинг беш йиллиги

**ВАРШАВА.** Аввалдагидек янги беш йилликда ҳам кўзми Польша экспортининг энг муҳим маҳсулоти бўлиб қолди. 1970 йилда бу соҳада рекорд қўйилди—шахтёрлар экспорт учун 28,7 миллион тонна кўмир қазиб чиқардилар. Ўтган йили экспорт қилинган кўмир миқдори 1966 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўпайди ва беш миллион тоннага етди.

Ташки савдо бирлашмаси «Углекокс»нинг директори Л. Буляндра ТАСС мухбирига қўйди айтиди: Польша кўмирига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Кўмир сотилган бозорларни қидириб топиш учун айтилган 400. Польша кўмирини сотиб олишни истаётган мамлакатлар жуда кўп. Партия бу беш йилликда шахтёрлар олдиға муҳим вазифани қўйди. Бу вазифа—меҳнатни механизациялаштириш йили билан кўмир қазиб чиқариш ташаббусини анча қаматирилди, янги перспектив раёонларни ўзлаштиришдан иборат. Польша кончилари 1971 йилнинг бошиданоқ балинд руҳ билан ишга киришдилар. Улар бу йил планга қўшмача равишда 900 минг тонна кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олтишди.


Александрия — Бирлашган Араб Республикасининг йирк иқтисодий маркази, денгиз дарвозасидир. Бу порта ҳар йили турли мамлакатларнинг мингглаб кемалари келиб қетади.

СУРАТДА: кема верфида. В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

## Эрон шоҳининг айтганлари

ТЕХРОН. Эрон шоҳи Мухаммад Ризо Пахлави бу ерда нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг (ОПЕК) факултетада ес-сиясда нутқ сўзлади. Шоҳ ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар учун нефть асосий даромад манбаи бўлиб, шу мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда, ундан фойдаланиш зарур деб таъкидлади.

Шоҳ ғарбдаги катта катта нефть компаниялари билан ОПЕК мамлакатларининг ақилларни ўртасида нефтдан олинадиган даромадларни янада одилола тақсимлаш тўғрисида Техронда ўтган музокарапар натижасиз чиққилигини эътибор, Форс қўлтиги раёонидан мамлакатлар шу раёондаги давлатларнинг суверенитети ва мустақиллигини таъминлаётган ҳаракатларнинг ишлаб чиқариш кералигини таъкиф этди.



Александрия — Бирлашган Араб Республикасининг йирк иқтисодий маркази, денгиз дарвозасидир. Бу порта ҳар йили турли мамлакатларнинг мингглаб кемалари келиб қетади.

## «СУЛАЙМОНБАЛИҚ УЧУН ЖАНГ»

«Сулаймонбалиқ учун жанг» янги давра киритилди. «АҚШ бизнинг экспортимизга таҳдид қилмоқда», «Барча мамлакатларнинг бойкот қилишини янги хавфи — кейинги вақтларда бўндай сарлаҳлар Дания газеталарининг, сарҳадлардан тушмаган. Матбуот АҚШда комитетлар тузилгани, бу комитетларнинг аъзолари америкаликларнинг Дания маҳсулотларини сотиб олишига қарши курашаётгани ҳақидаги хабарларни эълон қилди.

Америка маъмурлари Гренландия ва Дания балиқчиларини Гренландиянинг ғарбий соҳилларида сулаймонбалиқларни «йиртиқларча овлашда айблади. Шу сабабли гўё АҚШнинг шарқий соҳилларида шу турдаги қамбайб кетган АҚШ конгресси Дания бозорларига келтирилишини ман этиш ҳақидаги қонуни қараб чиқиш учун тақдим этди.

Дания хизмат доиралари бу ҳаракатлар Янги давлатнинг кичик давлат устидан, ғарчи улар НАТО бўлиса шеър булса ҳам, зўр раволик қилишдир, деб баҳоламоқдалар.

А. МАЛОВ,  
АПН мухбири.

## ЧССРнинг энергетикаси

**ПРАГА.** Пльзень шаҳридаги В. И. Ленин номи чехословак машинасозлик комбинати илмий-тадқиқот институтининг конструкторлари ва инженерлари атом электр станциялари учун махсус буг турбиналари конструкциясини тузишга киришдилар. Дастлабки инжита атом электр станциялари учун керакли усуналарни СССР етказиб беради. Ана шу станцияларда Совет Иттифоқдан келтирилган турта реактор ва Чехословакияда ишлаб чиқариладиган сақията буг турбинаси ишлайди.

Чехословакия Социалистик Республикасининг ривожланиш бораётган саноати йил сайин кўпроқ электр энергиясини талаб қилади. Аммо республикадаги ёқилғи-энергетика ресурслари етарли эмас. Шу сабабли Чехословакия Социалистик Республикаси экономикасини келгусида ривожлантириш планидан кучли атом-энергетика базасини вужудга келтириш кўзда тутилган.

(ТАСС).

## БРАЗЗАВИДА СЕМИНАР

Браззавиль яқиндаги Жуэ деган жойда Браззавиль Кенга социялистик ёшлар союзи маҳаллий секцияларининг раҳбарлари учун идеология семинари «Ўқиб, ўқиб ва яна ўқиб» деган Ленин шiori остида ўтди.

Кенга Меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Клоэ Эрнест Идалла фахат социалистик революцияга капиталистлар ва феодализмнинг эксплуатацияга қарши курашишга қодир эканлигини таъкидлаб ўтди.

## ЯНГИ ФАШИЗМГА ҚАРШИ

Франкфурт. Майнда, Дюссельдорфда ва Германия Федератив Республикасининг бошқа шаҳарларида «Еш антифашистларнинг ишчи тўғарилари» ташкил этилди. Бу Мюнхенда, Дюссельдорфда ва Германия Федератив Республикасининг бошқа шаҳарларида «Еш антифашистларнинг ишчи тўғарилари» ташкил этилди.

## КАССЕЛДА ЗАБАСТОВКА

Касселдаги (ГФР) педагогика институтининг студентлари забастовка эълон қилдилар. Улар шаҳар маъмуриятининг машғулотлар ўтказиш учун институтга аудиториялар беришдан бош тортаётганига қарши порозилқ билдиришмоқдалар. Ана шу йилнинг юртининг студентлари кўп йиллардан бери машғулотлар учун мулкдорларнинг биналарида лекциялар тингашга мажбур бўлиб келмоқдалар.

(ТАСС).

## ЖИДДИЙ ТАШВИШ

Корнуэллин Г (Ғарбий Англия) манзарали соҳилга жойлашган Нонсекьюкдак сирли «химия» комбинатининг фаоллиги инглиз жамоатчилигининг жиддий ташвишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда Англия мудофаа министри, захарловчи химиявий моддалар, жумладан инсоннинг нерв-паралетик органларига жуда қаттиқ таъсир этувчи газлар худди шу ерда ишлаб чиқарилишини тан олишга мажбур бўлди.


Инглиз расмий доираларининг тан олишлари қараганда ҳозирги вақтда полициячилар ишлатадиган «зарарсиз» ҳисобланувчи «СИ-ЭС» газ заводи асосий маҳсулоти ҳисобланади.

«Ленин дунёнинг жуда кўп мамлакатларини олимларнинг фирмага қараганда бу газ тирик организмга жуда қаттиқ захарловчи таъсир ўтказар экан. Шунинг учун бўлса керак, Портогда 1969 йили химиявий ва бактерияларни қуроллар соҳасида инглиз маркази олиб бораган тажрибачилар натижаси ҳамон сир сақланади. Бу марказ «СИ-ЭС» таъсир таъсирини ўрганади.


«Жаҳон жамоатчилигининг кескин талабига қарамай, «СИ-ЭС» газдан инглиз қўшунлари Шимоллий Ирландиядаги норозилик тўқнақларини бостиришда кенг қўлданмоқдалар. «Англияда ясалган» тағмаси болсанга ва ана шу йилда газ билан тўдирилган биналарни Америка самолётлари Вьетнамнинг қишлоқ ва шаҳарлари устига қўлаб ёғдириш эдилар.

СУРАТДА: Нонсекьюкдаги «сирли корхона».

ТАСС фотохроникаси.



СУРАТДА: Нонсекьюкдаги «сирли корхона».



«Ташсельмаш» заводи. СУРАТДА: конвейерда йиғилаётган шахта териш комбайнлари. М. Нуриддинов фотоси.

## ҚАЧОНГАЧА? МАШВИШЛИ СИГНАЛ

Ширин уйкуда ётган эканман, қариндошим уйғотди.

— Тур, ишга кел қоламиз. Хали чой-пой ҳам ичишимиз керак. Қарасам, соат олти. Ана меҳмонга хурмату... Худлас, чойини ичиб, уйдан чиққанмида соат етти ярим бўлиб қолган эди. Хали ишга бир ярим соат бор. Намунча тоғ шаҳарида қувмаса, деб ўйладим. Дилмидагини сездим, шундан қариндошим: «Ишга етиб борсанг ҳам шукур қиларсан ҳали, биз томонларини «иоқилар» дейди, деди...

Автобус беватига бордик. Қани энди битта автобус тўхтади. Бу ерда на трамвай, на троллейбус оймак экан. Соат саккиздан ҳам олтиб кетди. Тақси ҳам йўқ, денг.

— Энди бўлмаса, круговой қиламиз,— деди у.

— У нима деганинг?

— Охирига бориб, айланиб келамиз.

33 автобустга ўтириб, қарши томонга кетдик. 11, 13-автобус айланадан 22-кварталда 200-300 одам у ёқдан бу ёққа юрар, сўқинар, жигибийрон бўларди. 23-автобуси гўз-гўз келиб-кейтиб турди. Ленин бинга кетдик, яъни 13-билан 11-йўқ. Бахтимизга битта 13-келди қолди. Хамма қий-чуқ қилиб унга қараб югурдик. Ленин бекорга суноқимиз.

— Ҳеч қаёдага бормайман. Бейзиним йўқ,— деса бўладими шофер.

— Автопаркида беватига бўлмаса нима қилай?

Виз қилсечер хонасига бордик, у ерда хушрўй бир кўнрақ турди. Фамилиясини Смирнова экан. У киши бинга қўйидагиларни гапириб берди:

— Автопаркидан кичида энг рас, виси 7-автопар. Мана бугун 13-маршрут бўлига ўта автобус, 11-маршрут бўлига 12 та автобус бўлган чиниш керак. Аслини олганда, шундай уюқ маршрутга бу жуда ҳам оз. Оқ тепадан тортиб, то 22-кварталга боқча ҳечқандай транспорт юрмайди... Ленин ҳеч қачон шунча автобус ўзта чинмайди. Мана бугун бешта 11-автобус, 4 та 13-автобус келди, холос. ТНА—86—65 бензинсиз. То бензин келгунча бир-икки соат туриши керак. Автопаркининг директори ўрқоқ Алиев автобусни маршрутга қўйилган деб ҳисоблайди. Ленин, мана турибди. Ҳар кунги аҳвол шу. Одамларнинг сарсон бўлаётганини қўриб, ўзимни қўйгани жой топаолмайман. Ленин, на илоқим бор. Ҳар мажлисда гапирмади. Фойдаси йўқ. Мана, 4-парини олинг. 33, 2-автобус доимо йўловчиларга яхши хизмат кўрсатади. Ҳеч норозилик йўқ.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам. 33 билан 2-автобус яхши юради. Мана ТНА 29—97, 92—51 номерли 33-автобус, 87—93, 66—47 номерли 2-автобус йўловчиларга ширинроқ турибди. Ҳозиргина биттаси бўш кетди. Нима, автопаркилар ҳар хил бўладими? Давлат улар учун бир ҳид ширинг яратиб берганми? Бейзинг фийриятинга ҳамма гап ишчи ташкили қилишда. Нега йилларини, бу ерда аҳвол шу. Ҳар кунги қанчанча-қанча одамлар ишга келишиб боради. Давлат одамлар қараб юрадими бундан. Одамлар асабининг ҳар кунги бузилиши эса иш сураятинга таъсир қилмай қолмайди, албатта.

— Бу ҳам майли-ю, уйга қайтишимиз асосини айтмаймизми? Мен Бешғочда ишлайман. Ҳар кунги бир-бир ярим соат автобус кутаман. Уйга келгунча 9 бўлади. Қийналиб кетдик,— деди йўловчи бир аёл.— Ахир, бола-чақа, уй-рўзгор. Қачонгача бу аэоб?

Рост, Қачонгача? Қосмос асрида яшаймиз. Самолёт Москвага уч соатда боради. Бироқ ишга бориб келиш учун уч соатдан ортиқ вақт кетса-я. Бу қандай гап! Нега шу томонга троллейбус юрғизиш автобуслар сонини қўпайтириш мумкин эмас? Маршрут танқислар у томонларга бора олмайдими? Борди. Пуллари кўрсангиз ҳавасингиз келади. Ленин йўловчилар ҳақида гапхўрлик қани?

Кўпчилик чилонзорликлар номидан:

Марҳамат МУСЛИМОВ.



# АДАБИЁТ ва САҲНАТ

## СОҲЕТ

Пушкиннинг изини суртиб кўзларга Бессарабияни қилдим сайри бог, Шарқ шевриятдан сўзлаб, дустларга, Олдим Именеску назмидан севок, Кишинёв кўйида сўлим хабоб — Классик шoirлар ажиб маскани. Икки ёнда улар ўқийди дoston, Турда — Пушкин ўзга имлайди мани.

Мармар хайкаллардан боқар шoirлар, Мен сукут кўйида паришон ва лол, Лабдан учай, дейди, ёлқили шеврлар, Хавлим чирмайди минг турли савол, Бир сиким олиб мен ундан ёнимга, Келтирдим Навоий хиббонига, Барот БОЙҚОБИЛОВ

# Театримиз тарихидан

## Ҳамза — Шарқ саҳнасида

1919 йил, Баҳор фасли, Ҳамзаёқ ян-яшил либосда, томларда долақизадоқлар салони. Мевалар шигил гуллаган. Тошкентнинг Эски шаҳридаги «Чит рас таси» да тахминан кўйилган түптүт гаэлампаларнинг йули шу даҳрат гуллари нусхасидан олинганга ўхшайди. «Базозлик» растасида ҳам бугун шовин-сурон, гавжум, вақти-вақти билан ёш болаларнинг «обакни» дандон лаблари хандон» деб қичқирган овозлари кўлоққа ёқимли чалинади.

Улар орасида яхши танилган Ҳамза ва яна бир кичик айтиллар бугун илгари «Базозлик» растасида узоқ айланиб қолдилар. Улардан бири растани ўзгаришига ўлчади, иккинчиси унинг эини қатта-қатта қадимлар кўйиб қамалаб чиқмоқда. Мана, биродарлар бир жойга тўпланишди. Қизгин ёрғи алмашулар бўлди. Сўнгра «Базозлик» растасида театр саҳнаси ташкил этиш мумкин, деган қарорга келишди. Бундай жонли ва фойдали фикрга Эски шаҳар ижроия комитети ҳам хайрихоҳлик билдирди.

Шундай қилиб, кўп ўтмай, «Базозлик» растасида уч юз эллик кишилик томоша зали барпо этилди ва унинг тўрига алоҳида саҳна шиланди. Ташаббускорларнинг жонбозлиги туфайли Тошкентда янги театр саҳнаси пайдо бўлди ва унга «Шарқ саҳнаси» деган ном берилди.

Хўш, кейин нима бўлди? Жаваб учун «Шарқ саҳнаси»да биринчи бўлиб намойиш этилган спектаклнинг ягона афишасига мурожаат қилганимиз маълум. Унда бундай ёзуви ўқиймиз: «1919 йил, 22-23 декабрь, душанба ҳам шеванба кунин. «Шарқ саҳнаси»да «Мусаев» театри (очилиши) мунасибатига санага кўйилмак. «Кичик аскар», тўрт пардали аскарлар парадари (Евучисин Хуршид), 2. Дипломатия, шарқий, жимнатик, Танасфуф чоғларинда «Темур тўдасининг» музикаси чалиниб тура-

## Соғинч

Қилдайни интичка тортдим бардош, Қалбада жўшар соғинч тўла ҳажмон. Кипригимга сирга бўлган қатра ёш — Кўзгусида кўрдим, Сини онанжон! Ана, ипак қатмини тортиб сирган, Тилга кирмоқчидай каштангиз гўё, У малак бир қизга аталган палак. Е кенжа ўнглага «кўёвлик сарпо», Ипакминан десам, товланган кўлда, Экан сочларингиз кумуш толаси-О, онажон, нечун кўзингиз йўлда, Соғинч тўла бот-бот ўйга толаси! Қалбим торларига тушади ларза, Уйсиз эзгу кўйга қўлоқ соламан. Кўя-ла оқиб келар мекригиз аста, Жондай мавтубингиз кўлга оламан! «Болганим», мунча кетмасанг олис, Айрилиқда жонинг ўтга қалайман. Аксинг кўринарин экан деб ҳар кез, Тўйиб-тўйиб, тўлини ойга қарайман... Недир тинилгандек бўлар бўғзимга, Қайноқ қонларимда ажиб галаён, Мунис бир сиймо-ку кетмай кўзимдан, Уқдек отиламан ташқари томон: Юлдуз — пахтазорини кимдир оралаб, Муниллаб келади — қадди доп бўлиб. Ох, онажон, сизми келмасиз излаб, Нур қаҳшанон ичра бир ҳилол бўлиб! Минжониддин ҲАЙДАРОВ.

Кўчада кўринсанг, ўйга қочардим, Даврадан чиқардим кўзлар эслатса-Тиккаётган каштандан гоҳ воз кечардим, Ҳар қатим ипакда хотирамг ётса, Тушмага кирсанг гар, ухламас эдим. Эслатса, боқмасдим рубоб, найларга. Не қилай, не қилай қиналиб нетдим. Юрагимни ташлаб қочай қайларга! Муқаррама МУРОДОВА.

## Фарзандларимиз учун

# ЛЕНИН БОБОМ ДЕК

Дарсхонаминг — Уқ, пионер шунқор! Ленин бобом расми Дилдаги орзу-ният, Дейдилар менга бор. Чипси деяр рўбega, Уқини қилдим одат.

Мехр қўйиб китобга, Ленин бобом ҳар сафар, Турадилар кузатиб, Дангасалик қилсам сал.

Кетаман терга ботиб, Ленин бобом дарсидан, Олган лаби имтиҳон, Сабоқларингиз эсимдан,

Чинармайман ҳеч қачон, Лениш бобомдек доим, Аъло ўқиб аҳдим бор, Фақат шу фикру-эдим, Уқийман такор-такор, Юнус ТОЛИПОВ



Хоразм области. Шoir, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Этан Раҳим пьесаси асосида Ота-хўй номли область муникали драма ва комедия театрида саҳнага кўйилган «Ингирма» ишқлар қаҳда қисса» спектакли томошабинлар эътиборини қозонган.

Спектакль Амударё этакларида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, ўзгариш биринчи комсомоллари қаҳда хилол қилади.

СУРАТДА: спектаклдан кўриниш. К. Отаев фотоси. УАТАГ.

## КУТИШЛАРНИ СОҒИНДИМ

Кутмоқдаман орузм сараарин, Юрагимда ўрмалар титроқ, Кўзларим жуфт югурган ирмоқ, Майли кечик, кечиккин бир оз,

Йўлларингда зориқтир жиндай, Нима қилай кўнгилга ҳамроз, Соғинчингни соғиндим жуда, Умидимга қанот бер дилбар,

Парвоз қилсин, шаштига қонай, Учрашуга келгандай илк бор, Бир оз кечик, кечиккин атай, Ҳавларим изгишиб бебoш,

Йўлларингда толиққан маҳал, Булут парда ортдан кўёш, Болқигандай кўлиб кел шухола, Утинчимдан бўлмагин хафа, Боқибдир дилда соғинчим, Фақат нет-э, бу оқшом яна, Куттишларни жуда соғиндим.. Тўлаган ТУХТАЕВ.

## ЖАНГЛАРДА ЧИВИҚҚАН МУЙҚАЛАМ

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

Ҳамшаҳаримиз, танили рассом В. Петров яқинда 50 ёшга тўлади. Санъат муҳлислари унинг турли мавзудаги жозибали асарларини яхши билишсади. Бу асарларнинг кўпчилиги бир қатор кўр-газаларда намойиш этилиб, мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Рассомнинг «Калинин Бухорода» номли машҳур сурати эса Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузурдаги тарихи институтда сақланган.

В. Петров Улуг Ватан уруши қатнашчиси. У оғир жанг йўлларини қурол ва мўйқалам билан боғиб ўтди. Дам олиш пайтларида совет жангчиларининг жасоратини, фронт мақзаларининг қозғога туширди. Бу йиллар унинг ижодини тоблабди, машаққатлар эса маҳоратини синовдан ўтказди.



Ҳозир рассом КПСС XXIV съезди шарафига ўзбек халқининг суя учун қурашини аёқ эттирувчи «Суя халқини достон» триптигини яратмоқда. Суратда: рассомнинг «Сталинград остоналари» да, «Навоий қимё» комбинати қурилишида» асарлари. М. Нуриддинов фоторепродукцияси.

## ЮЛДУЗ СЎНДИ

Юлдуз сўнди.. Қандай юлдуз эди уй! Балки ёрқин эди, балки нури кам!

Аммо туғилгандан сўнгунча мангу, Юлдуз-юлдуз эди, қандай бўлса ҳам!

Одамчи! Туғилди, яшади, аммо, Қилмишиг унинг тақиди кўп ном:

Жоҳил, қотил, ахлак, ўғри, Бедаво... Шунчалар қийинми бўлмоқчи: Одам! Уйлайман: Қулайса яхшилар сағри, Одамлар яшаса кўнгли пош, сбади! Юлдуз-юлдуз бўлиб қолгани қаби, Одам-одам бўлиб қолсади, абади! Қимил АВАЗОВ.

## ТУРСУН ҚИЗИҚ

Қизиқчилик, аския халқимизнинг энг сезимли удуמידир. Чойхоналарда, тўйларда ёки ум-тўртта уфалтар тўпланиб қолган жойда дарров қизиқ ҳикоя ёки аския бошланиб, завқли қаҳ-қаҳа кўтарилади. Бундай кулги шинавандалари ва кулдурувчи-қиз и қ л а р Фаргона водисига, хусусан, Марғилонда кўп учрайди. Марғилонлик Юсуфжон қизик, Охунжон қизик ҳикояларини ёки уларнинг саргузаштлари қаҳдаги ҳикояларни эшитмаган, қотиб-қотиб қулмаган киши қамдан-қам топилмади. Республикаимизнинг қаерида бўлмайлик, улар қаҳда завқ-шаҳқ билан гапирдилар.

«Кулинг дўстлар, умрингиз узади» деб широр ташламан Юсуфжон қизик Шакаржонов қизиқчилик санъатини гоат ривожлантирибгина қолмай, ўз ижодий меросининг бир талай ворисларини ҳам еттиштирди. Ана шу аънаванга давом эттирувчиларнинг энг кенжа вақил-

лари қаторида Турсун қизик Ҳакимов ҳам бор. Турсунбой ҳам қизиқлар макони бўлган Марғилонда туғилди, шу ерда усди. У урта мактабни тугатиб, Марғилон халқ театрида Юсуфжон қизикнинг ўғли Зайнобиддин қизикка шогирд бўлиб юрди. У Зайнобиддиндан сўзлаш санъатини, қандай ҳаракатлар қилишни ўргана бошлади. Кейинчалик эса Зайнобиддин қизик билан «Бедаво» номли қизик билан «Асарлар» қаби икки кишилик ҳикоя сахилар юзро эди. Юсуфжон қизикнинг «Эрка қампир», Отувжон қизикнинг «Шафтоли», Зайнобиддиннинг «Футбол» қаби ҳикоялари билан ўз репертуарини боқитди. У шулар билан келмашиб қолмади, ўзи ҳам «Тўти куши», «Паришонхотир», «Тўтен» қаби жажоки ҳикоялар тўқиб, ҳажвий сахилар ижро этди. Унинг ижрочилиги ҳамма одамларга завқ ва ҳузур бағишлайди.

Турсунбой санъат асосларини янада чуқурроқ эгалаш мақсадига тоқомиллаштириш мақсадида Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтига ўқишга кирди. Унинг яқинда институт студентларининг илмий конференциясида ўқилган «Марғилон қизиклари сўз маҳоратининг баъзи бир масалалари қаҳда» деган мавзудаги илмий ишнини жури юқорин баҳолади.

П. ВАЛИЕВ, Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти студенти.

## ИШОНЧ

Яна ташвиш тушди бошингга, Татимайди сен еган ногўш, Не қулфалар йигит ёшингда, Парвони, қуй, сўймагай кўёш...

Дўркун-дўркун булут чулғаниб, Осмон бетин қилса ҳам хира.. Угли қўёш бир бор тўлганиб, Олам узара, сочажак шуъла.. ШАМСИ ОДИЛ.

Ёмғир томчилайди.. томчилар тинмай, Қимга завқ, қимга дард, қимга барибор, Қимнинг қиссида томчи кўз ёши, Қимнинг таққосида қатра-жавоҳир, Мен томчи тилидан бир куй тинглайман, Бир куй-ки, оҳанг—соғинч, ҳаяжон — Юлдузлар остидан олис сайрдан Қайтдим оғушинга, замин— онажон!

Самандар ВОҲИДОВ.

## КАЙГА КЕТДИ

Қайга кетди ёшлигим бирдан, Турна қаби учиб кетдимми? Ё самоний сомон йўлидан, Юлдуз бўлиб кўчиб кетдимми? Кўнгли деди: кечма гам-фиғон, Гувча оилар гул кўркин олтай.. Ёшлик кетмас, кетмағай беноз, Она юртга ишқ бўлиб қолган.

Т. МУҲАММАДАЛИЕВ.

## САККИЗЛИКЛАР

Гулниг ҳуснин кўрломлай бўлут, Баланд тўтиб ханлар чақмонин, Гузалликка солгандек човут, Савалади ёғдириб ёни, Япроқлари тўзилиб ерга, Новадларин ҳусини учганди.

Ачинмадим, бироқ умрига — Намалани ақс қўтаганди. Абдулҳай НОСИРОВ.

# ШЕЪР—ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Ҳа, шеър қадим-қадимдан тарбия воситаси бўлиб келган. У кишиларнинг дўдини нафислаштиради, онини чарқайди, ҳаёт ва одамзод қаҳда ўйга қўйдиради. Ленин бу тарбия кўруш, риторик гаплар орқали эмас, гузал образлар, ўйлаш тарихлар, ранг-баранг шеърлар пайдаланган фойдаланган ҳолда амалга оширилса, мўлжалга тегади. Бунинг учун эса кунт билан шеърни сартлар устида шиллаш, ўқувчи учун янгилик бўладиган образлар топил зарур.

Худди шу нарса — шеърнинг тарбия воситаси эканлиги редакциямизга хат йўллаган кўпжа ҳаваскорларнинг эътиборидан четда қолган. Улар ўзларининг дастлабки машқларини, илк уринишларини бизга ёзиб юборавиришган. Бу, ўз-ўзидан маълумоқ, шеърнинг зарурати, қиммати нимада эканлиги, уни босиб чиқаришдан мақсад нималигини тушунаганликдан келиб чиқди. Мана, бир мисол:

Оқ қор(!) тўшар ерларга, Шафқли (!) дўронадек. Ер устини қоплабди, Оптоқ, момиқ пахтадек.

Бундан тўртлик тошкентлик ҳаваскор Т. Курбоновнинг шеърларидан олинган. Кўриниб турибдики, айтилган гаплар ичнда бирорта янгилик йўқ, ҳамма билдагига нарсалар. Бундан ташқари, мантининг бүзглиги шифоия йўқлиги, мақсад Б. Социқова, хоразмлик Ҳ. Жуманиёзовларнинг шеърлари ҳам дастлабки босқичда. Улар энг аввало шеърнинг тезтик томонлари — қофия, вази, т у р о қ и н ўрганлик вази, шеърнинг т а с а р у р а в т и тўғрисида тасавур қомага маълум нарсаларнинг номаълум томонларини нафш этишга интиладилар. Тошкентлик И. Ҳасанов, Т. Юсупов, Т. Тайқов, К. Раҳматуллаев, Ш. Қурбонов, андижонлик И. Исмомов, фарғоналик О. Эргашев, бенободлик А. Мамара ҳаваскорларни шеърятнинг умуман газал ёзиш бўлган. Натжада, нурсиз, саёз мазмунли мисралар юзага келган. Бир гуруҳ ҳаваскорлар газал жанрига мурожаат қилишган. Маълумки, аруз вази маълум тайёргарлик, классик адабиётини яхши билишни та-

суво, самарқандлик Н. Бердиев, Т. Остонов, солдат С. Курбоновларнинг шеърларида ҳам ана шундай интилик сезилди. Ленин буларда ҳам нуқсонлар йўқ эмас. Бу муаллифларнинг нақчилиги — мавзунини танлай билмаслиги, ўз шахсини дунёсига ўрлашиб қолиб, катта қўрқиним, гоҳо ноурин ишлатилган сўзлар, тиниксиз машқ, иттиҳоб ва ўзбек адабиёти ютуқлари билан танқиди бориш, фалсафий мушоҳада қилишга ўрганиш — бу

валлихоновнинг газаллари равои, оҳангдор. Мана унинг газалидан бир неча байт: Жоно, жаҳонда сандек соҳибжамол бўлурму! Минг нозанин чироғи ҳуснинга хол бўлурму! Кўкда қўёш юзигандан олмиш мудом ҳарорат, Тонг юлдузин жамолни сенга мисол бўлурму! Осмонда ой ҳар оқшом чехранг қилур тамошо,

Олдоза олиб ойдан қошини хилол бўлурму! Газал қанчалик ширин ёзилган бўлмаски, унинг қиммати га соя тошлаб турган нарсананъавий образлардан чиқиб кетолмаганлик, муаллифининг ўзи қузатган нарсаларни унда деварли кўринмаётганлиги. Аммо энг муҳими, ҳаваскор вазиин яхши ҳис қилади. Бўёғи эса койинги машқ ўқиш ва изланишларга боғлиқ. «Адабиёт — қаёт дарслигидир», — деган эди буюк рус адиби Н. Чернышевский. Дарҳақиқат шундай. У бизга ҳаёт мазмунини, инсонийлик, турли хил қарашлар қаҳда талъим беради, онгимиз, интиляшминизни тўғри йўналишга солади, фикрларимизни шакллантиради. Шундай экан, ҳар бир ҳаваскор адабиётнинг ана шу тарбиявий кучини унутмаслиги, дарага, бугунги кишилар дидига ва ақлига мос шеърлар ёзишга ҳаракат қилиши зарур.

Бахшўлло РАҲЖАБОВ.



„ПАХТАКОР“ МАВСУМГА ТАЙЁР ЛАЙМОҚДА

ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ТУГАДИ ПАХТАКОРЧИЛАРНИНГ БИР ҚИСМИ ДАГИ УЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ.



БУ ЙИЛГИ футбол мавсуми одатдагидан ташқари жуда эрта бошланади. Март ойининг ўрталарида...

биринчи ўинида «Молдова» (Кишинев) — «Шинник» (Ярославль) учрашуви...

той машқ баъзидаги машғулотлар ортда қолди. Залда футболчилар, асосан, ўз спорт формаларини тинлаш билан машғул бўлишди...

коллективи икки марта машқ учрашуви ҳам ўтказди. Биринчи учрашувда пахтакорчилар «А» классининг дебютанти — «Янглер» футболчилари билан куч синашди...

Чуқур кучлилар гуруҳида уйнаш ҳуқуқини қўлга киритган «Пахтакор»нинг биринчи тренери ҳам унинг ўзи эди. 1962 йилги мамлакат биринчилигида олтинчи ўринни оғаллаган «Пахтакор»нинг энг ната ютуғи ҳам Александр Андреевич Келлернинг номи билан боғлиқ.

Коллектив чемпионатга Келлер билан биргаликда команда бошлиғи Николай Павлович Соғонов, тренерлар Евгений Борисович Валитский ва Геннадий Александрович Красицкийлар тайёрлашмоқда.

Пахтакорчилар Кисловодскка учиб кетиши олтидан мухбиримиз команданинг катта тренери А. А. Келлер билан учрашиб, мавсум олди тайёргарлик ишлари, коллективдаги ўзгаришлар ҳақида суҳбат бериши илтимос қилди. СССРда хизмат кўрсатган тренер Александр Андреевич Келлер кўнидагиларни маълум қилди:

Футбол ишқибозларини, айниқса, қизиқтирган «Янглер» командасида рўй берган ўзгаришлар бўлса керак. Олтидан айтаётган қўлақ қўлай. Командада айтарлиқ ўзгаришлар бўлгани йўқ. Дарвозабон И. Домантневский Ярославль шаҳрининг «Шинник» командасига ўтиб кетди. Унинг футбол бўйича ҳамкасби А. Петренко бу йилги мавсумда Фарғонанинг «Нефтяник» командаси шарафини ҳимоя қилди.

Команда составида янги номлар ҳам бор. Совет Армияси сафидан кайтган дарвозабон Петр Колесник ва ўнг жанот ҳужумчиси Александр Иваинов яна «Пахтакор»да ўйнашди. Коллективга Барнаулдаги «Динамо» командасидан (илгари Москванинг «Динамо» коман-

дасида марказий ҳимоччи бўлиб ўйнаган) Анатолий Сулов танилиб килинди. Буни ташқари коллектив республикамизнинг турли командаларига еш футболчилар ҳисобига тўлдирилди. Кисловодскдаги йилги футболчиларнинг ҳаммаси жўнаб кетгани йўқ. Команданинг бир қисми Евгений Борисович Валитский раҳбарлигида Тошкентда чемпионатга тайёрланишди. Шимолий Кавказга кўнидаги футболчилар жўнаб кетиши: дарвозабонлар — Николай Любарев ва Петр Колесник; ҳимоччилар — Владимир Штерн, Розин Тургунов, Борис Петухов, Аҳром Ниютов, Равшан Юнусов, Виктор Кузьмин, Юрий Басов, Анатолий Сулов, Раҳим Муминов; ярим ҳимоччилар — Вячеслав Солюхо, Юрий Патриков, Виктор Цибин, Виктор Варюхин, Баҳодир Иброҳимов; ҳужумчилар — Тулаган Исоқов, Борис Леонов, Валерий Фильцин, Вячеслав Бектошев ва Александр Иваиновлар.

Биродар Абдураимовнинг омади ислади. «Янглер» командаси билан бўлган синов учрашувида тўртта тўхтаб туришга мажбур бўлиб қолди. Аммо, ишонимизки, Биродар тез вақт ичи-

да машғулотларга қўшилди.

Кисловодскдаги йилги ва синов учрашувлардан сўнг команданинг асосий состави тўла аниқланади.

Пахтакорчиларга ўтган йилги мамлакат биринчилигида нудад қийин бўлди. Бу йилги мавсум ҳам осон бўлмас керак. Пилитларнинг ўзи ҳам буни яхши тўшунишди. Шунинг учун залдаги машғулотларга ҳам, Чигатойдаги машғулотларга ҳам бир футболчи самийи ёндошди. Ўилайманни, СССР Кубоги ва мамлакат биринчилиги ўйинларига ҳам футболчилар ана шундай масъулият

билан ёндошлар керак.

Фотомухбиримиз Н. Наведкин пахтакорчиларнинг трактор заводининг спорт залидаги синовги машғулотида бўлиб, бир неча суратларни объективга тўшурди.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор»нинг дарвозабони Николай Любарев (чапдаги сурат), ўртада — команданинг янги йилги бошқисми Анатолий Сулов тўп билан машқ қилмоқда, юқорида — ярим ҳимоччи Юрий Патриков.

Редактор С. М. КАРОМАНОВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
8 ФЕВРАЛДА
Чемпион — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»

Свердлов номли концерт залида
11 ФЕВРАЛДА
М. ҚОРИҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА!
УЧИНЧИ ИЖОДИЙ МАВСУМ ОЧИЛАДИ
ТЕАТР РЕПЕРТУАРИДА:

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
9-10-12-13 ФЕВРАЛДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
«МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ»

ЎЗБЕК КОНЦЕРТ
МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
15 ФЕВРАЛДА
ҲАМЗА ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОВЕВА
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар
Мукарирам Турғунбоева

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
13 февраль кеч соат 8 да, 14 февраль кундуз соат 2 ва кеч соат 8 да
ЎЗБЕКИСТОН СЕНЪА УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА
КАТТА КОНЦЕРТ ОҚШОМ ДАВРАСИ

9 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

МОСКВА КУРСАТАДИ
23.30 «Вақт» информацион программаси.
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
11.30 Адабиёт. 9-синф. Л. Н. Толстой «Уруш ва тиқчилик» романи устида қандай ишлади? (рус тилида).